

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ БЕКЗОДЖОН МУРТАЗАЕВИЧ

ҒОВАК МУҲИТЛАРДА ЧЎКМА ҲОСИЛ БЎЛИШИНING КЎП
БОСҚИЧЛИ КИНЕТИКАСИ АСОСИДА СИЗИШ ВА МОДДА
КЎЧИШИ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Файзиев Бекзоджон Муртазаевич

Говак муҳитларда чўкма ҳосил бўлишининг кўп босқичли кинетикаси
асосида сизиш ва модда кўчиши жараёнларини моделлаштириш 3

Файзиев Бекзоджон Муртазаевич

Моделирование процессов фильтрации и переноса веществ в пористых
средах с многоступенчатой кинетикой осадкообразования 19

Fayziev Bekzodjon Murtazaevich

Modelling of processes of filtration and mass transfer in porous media with
multistage deposition kinetics 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 38

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ БЕКЗОДЖОН МУРТАЗАЕВИЧ

**ҒОВАК МУҲИТЛАРДА ЧЎКМА ҲОСИЛ БЎЛИШИНING КЎП
БОСҚИЧЛИ КИНЕТИКАСИ АСОСИДА СИЗИШ ВА МОДДА
КЎЧИШИ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/FM203 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://ik-fizmat.nuu.uz/>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хўжаёров Бахтиёр

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нормуродов Чори Бегалиевич

физика-математика фанлари доктори

Жабборов Насридин Мирзоодилович

физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Тошкент ахборот технологиялари университети
ҳузуридаги Ахборот-коммуникация
технологиялари илмий-инновацион маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. Р. Марахимов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З. Р. Рахмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

М.М.Арипов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда бир жинсли бўлмаган суюқликлар фильтрацияси назарияси масалаларига келтирилади. Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системаси кўринишида ифодаланувчи математик моделлар суюқлик ва газ механикаси, гидрогеология, экология каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Ичимлик ва оқава сувларни тозалаш, нефт-газ конлари самарадорлигини оширишда ғовак муҳитларда бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг сизиш моделлари ва уларни сонли тадқиқ этиш усуллари асос сифатида хизмат қилади. Шунинг учун, ғовак муҳитларда бир жинсли бўлмаган суюқликлар сизиши ва модда кўчиши жараёнларига таъсир этувчи барча асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда адекват математик моделлар яратиш ва тадқиқ этиш математик моделлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда бир жинсли бўлмаган суюқликлар сизиши жараёни механизмларини чуқурроқ ўрганиш, суспензиядаги муаллақ заррачаларнинг ғовак муҳитларда кўчиши, ушбу заррачаларнинг ғовак муҳит скелети юзаси билан ўзаро таъсирлашувини тадқиқ қилиш суюқлик ва газ механикасининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Суюқлик ва газларнинг сизиш жараёнларининг математик моделларини куриш ва уни сонли тадқиқ қилиш фильтрация назариясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: ғовак муҳитларда суспензия сизиши ва модда кўчиши жараёнларининг такомиллаштирилган математик моделларини яратиш, самарали ҳисоблаш алгоритмлари ва қулай интерфейсга эга дастурий мажмуалар яратиш мақсадли тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган суюқлик ва газ механикасининг долзарб йўналишларига эътибор кўчайтирилди. Жумладан, туташ муҳитлар механикаси масалаларни ечишда математик моделлаштириш ва ҳисоблаш математикаси усулларидан фойдаланган ҳолда назарий тадқиқотлар ҳамда амалий ишланмалар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг ғовак муҳитларда сизиши ва модда кўчиши жараёнларини математик моделлаштириш муаммоларини тадқиқ қилиш ва долзарб назарий ҳамда амалий масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди. “Динамик тизимлар назарияси, амалий математика ва математик моделлаштириш” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш амалий математиканинг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди¹. Қарор ижросини таъминлашда оқава ва ичимлик сувларини тозалаш, нефть ва газ конларига сув ҳайдаш жараёнларини моделлаштириш ва ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш имкониятини берувчи дастурий мажмуалар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг ғовак муҳитларда сизишини қаттиқ заррачаларнинг ўтириб қолиши ва қайта суюқлик оқимида қўшилишини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш бўйича назарий тадқиқотлар дастлаб ўтган асрда ўтказилган ва Т.Иwasакининг ишлари билан боғлиқ. Д.М.Минцнинг ишларида таркибида муаллақ заррачалари бўлган суюқликнинг ғовак муҳитда ҳаракати учун модда баланси тенгламаси тузилган. Баланс тенгламасига қўшимча равишда муаллақ заррачаларнинг ўтириб қолиши ва қайта суюқлик оқимида қўшилиши интенсификация тенгламаси қаралади. Охириги йилларда бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг ғовак муҳитларда сизиши моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, шунингдек уларни сонли ечиш усуллари куйидаги олимларнинг ишларида қаралган: K.Ives, M.Sharma, M.Elimelech, J.Bear, Ch.Tien, P.Bedrikovetsky, A.Adin, M.Rebhun, J.Herzig, V.Gitis, Г.Баренблат, А.Х.Мирзаджанзаде, Е.В.Венецианов, К.С.Басниев, Д.Михайлов, А.Никифоров ва бошқалар.

Қаттиқ муаллақ заррачали суюқликлар сизиши жараёнлари биринчи марта Ю.М.Шехтман томонидан тизимли равишда тадқиқ этилган. Ҳаракат ва узлуксизлик тенгламалари асосида кичик концентрацияли суспензиялар учун баланс тенгламаси тузилган. Е.В.Венецианов томонидан суспензия сизиши моделларини адсорбция жараёнлари моделларига ўхшаш кўринишда тузиш таклиф қилинган.

Ўзбекистонда суюқлик ва газларнинг ғовак муҳитларда сизиши жараёнлари математик моделлари ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқишда Ф.Б.Абуталиев, Ж.Ф.Файзуллаев Н.М.Муҳидинов, Р.Садуллаев, И.Алимов, Ж.Акилов, Б.Х.Хўжаёров, И.К.Хужаев, Н.Равшанов, Ш.Қаюмов, В.Ф.Бурнашев ва бошқа олимларнинг улкан ҳиссалари қўшилган. Хусусан, Б.Хўжаёров томонидан колматацион-суффозион сизиш учун динамик омилларни ҳисобга олувчи янги кинетика тенгламаси таклиф қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Самарқанд бўлими Минтақавий муаммолар комплекс илмий тадқиқот институтининг ФА-Ф1-Ф042 “Биржинслимас суюқликларнинг ғовак муҳитларда сизиши гидродинамик моделларини тузиш ва тадқиқ этиш” (2007-2011) ва Самарқанд Давлат университетининг Ф4-Ф078 “Биржинслимас суюқликларнинг ғовак муҳитларда сузилиши ва сизишининг гидродинамик масалалари” (2012-2016) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади динамик, диффузион омиллар, “эскириш” ва “юкланиш” ҳодисалари ҳисобидан чўкма ҳосил бўлиш жараёнининг кўп босқичли бўлишини ҳисобга олиб, суспензияларнинг ғовак муҳитларда сизиши ва модда кўчиши жараёнининг математик моделларини такомиллаштириш ва сонли ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суспензияларнинг ғовак муҳитларда сизиши масаласини “эскириш” ва “юкланиш” ҳодисаларини ҳисобга олиб математик моделини такомиллаштириш ва масалаларни сонли ечиш;

динамик омиллар, диффузия ва чўкма ҳосил бўлиш кинетикаси кўп босқичлилигини ҳисобга олиб суспензияларнинг ғовак муҳитларда сизиши ва модда кўчиши жараёнлари моделини такомиллаштириш ва масалани сонли тадқиқ этиш;

икки компонентли суспензияларнинг ғовак муҳитларда сизиши жараёнининг динамик омиллар ва диффузияни ҳисобга олган ҳолда математик модели ва сонли алгоритмини тузиш;

бир ва икки компонентли суспензияларнинг ғовак муҳитларда сизиши масаласини чўкма ҳосил бўлишининг кўп босқичли кинетикасини ҳисобга олиб ечиш учун дастурий восита яратиш.

Тадқиқотнинг объекти ғовак муҳит ва унда чўкма ҳосил қилиб сизувчи бир жинсли бўлмаган суюқликдан иборат.

Тадқиқотнинг предмети ғовак муҳитларда суспензиялар сизиши жараёнларининг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари, дастурий воситалари ва гидродинамик таҳлилдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва ҳисоблаш эксперименти усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суспензияларнинг ғовак муҳитларда сизиши жараёнининг математик модели “эскириш”, “юкланиш” ҳодисалари ва динамик омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган ва масалаларни чекли ва ярим чексиз қатламларда чекли айирмалар усули асосида ечиш учун ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

суспензияларнинг ғовак муҳитларда сизишида чўкма ҳосил бўлиши кинетикасининг кўп босқичлилигини ҳисобга олиб, математик модели

такомиллаштирилган ва масалани ечишнинг самарали алгоритми ишлаб чиқилган;

динамик омиллар, “эскириш” ва “юкланиш” ҳодисаларининг сизиш характеристикаларига таъсири баҳоланган;

икки компонентли суспензия сизиши модели динамик омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари суспензияларнинг ғовак муҳитларда сизиши жараёнининг такомиллаштирилган математик моделлари, ҳисоблаш схемаси, алгоритми ва дастурий воситаси туташ муҳитлар механикаси ва гидрогеология масалаларини ечишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Сизиш моделларини тузишда кўп фазали тизимлар учун фундаментал сақланиш қонунларидан фойдаланилган, улар физик корректликни таъминлаш мақсадида фенемонологик муносабатлар билан тўлдирилган. Муаллақ заррачаларнинг ғовак муҳитларда ўтириб қолиши ва қайта суюқлик оқимида кўшилишининг янги кинетик тенгламасини тузишда фенемонологик ёндашувдан фойдаланилган ва ҳар бир фараз синчиклаб асосланган. Сонли усулларни қўллашда уларнинг турғунлиги текширилган ва талаб қилинган аниқликдаги аппроксимациялардан фойдаланилган. Олинган натижалар физик жиҳатдан батафсил таҳлил қилинган ва уларнинг реал физик жараёнларга мослиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўплаб ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда яратилган назарий асос ва математик моделлар, сонли усул ва алгоритмлар ғовак муҳитларда бир жинсли бўлмаган суюқликлар сизиши назариясига ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти оқова ва ичимлик сувларини тозалаш, нефт ва газ конларига иккиламчи ишлов бериш, гидрогеология каби соҳалардаги сизиш жараёнларини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғовак муҳитларда бир жинсли бўлмаган суюқликлар сизиши жараёнларининг такомиллаштирилган моделлари ҳамда ҳисоблаш алгоритмларига асосида:

хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системасини сонли ечиш алгоритми ва дастурий восита QJ130000.2626.14K72 рақамли “Solvability problem of periodic solutions for second order differential equations with piecewise constant arguments” хорижий грант лойиҳасида кечикувчан аргументли дифференциал тенгламаларни сонли ечишда фойдаланилган (Малайзия технология университети, 2018 йил 26 мартдаги UTM.J.06/17.16/1/5 did.8(31) – сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кечикувчан аргументли дифференциал тенгламалар ечимларининг мавжудлик ва ягоналик критерияларини аниқлаш имконини берган.

суспензияларнинг ғовак муҳитларда сизиши жараёнининг такомиллаштирилган математик моделлари ва ишлаб чиқилган ҳисоблаш

алгоритми ҳамда ғовак муҳитларда икки компонентли суспензияларни сизиши жараёнида суспензиядаги муаллақ заррачалар концентрациясини ва ўтириб қолган чўкма концентрациясини ҳисобловчи дастурий восита Ф4-ФА-Ф005 рақамли «Мураккаб чегарали соҳалар учун математик физиканинг кўп ўлчовли ночизиқ синф масалаларининг моделларини такомиллаштириш ҳамда ечишнинг алгоритмик усулини яратиш ва тадқиқ қилиш» фундаментал грант лойиҳасида мураккаб чегарали соҳалар учун математик физиканинг кўп ўлчовли ночизиқ синф масалаларининг моделларини такомиллаштириш ҳамда ечишнинг алгоритмик усулини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 89-03-1887-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши мураккаб чегарали соҳалар учун математик физиканинг кўп ўлчовли ночизиқ синф масалаларини сонли ечиш ва натижаларни визуаллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ғовак муҳитларда бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг сизиши механизмлари ва моделлари**» деб номланувчи биринчи бобида ғовак муҳитларда бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг сизиши жараёнларини моделлаштириш муаммоларининг таҳлили ўтказилган. Муаллақ заррачаларнинг ғовак муҳит деворларида ўтириб қолиши ва қайта суюқлик оқимида қўшилиши механизмлари ва кинетикаси кўриб ўтилган.

Ғовак муҳитларда бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг сизиши масалаларини сонли ечиш усуллари таҳлил қилинган.

1.1 параграфда бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг сизиши масалалари тез-тез учраб турадиган соҳалар ҳақида маълумотлар келтирилган.

1.2 параграфда заррачаларни тутиб қолишнинг турли механизмлари, ғовак муҳитларда суспензиялар сизишининг математик ифодаси қаралган. Заррачаларни тутиб қолишни тавсифловчи сизиш механизмлари филтърнинг сизиш жараёни бошланишидаги ва сизиш жараёни давомидаги самарадорлигини баҳолаш учун математик моделлар тузишда муҳим аҳамият касб этади. Адабиётларда суспензия сизиши жараёнида асосан олти хил механизмлар воситасида кўчирилиши учрайди: уриниш механизми, диффузия, седиментация, инерция, гидродинамик механизм ва ион атмосфераларининг ўзаро таъсири.

1.3 параграф заррачаларнинг ғовак муҳитда ўтириб қолиш кинетикасига бағишланган. Кинетика тенгламаси сизиш жараёнининг асосий характерли ўзига хосликларини тавсифлайди. Адабиётларда бир қанча турдаги кинетика тенгламалари учрайди: кўчиб чиқмаслик кинетикаси, ўтириб қолиш ва қайта оқимга қўшилишни бир вақтда ҳисобга олувчи кинетика ва кўп босқичли кинетика.

1.4 параграфда ғовак муҳитларда бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг сизиши жараёнини моделлаштиришнинг турли ёндашувлари келтирилган. Уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: тўрли моделлар, заррача траекторияси таҳлили моделлари, стохастик моделлар ва эмперик моделлар.

1.5 параграфда бир жинсли бўлмаган суюқликлар сизиши моделларини сонли ечиш усуллари келтирилган. Хусусан, сизиш масалаларини аналитик ва сонли ечиш усуллари қиёсий таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Ғовак муҳитларда бир компонентли суспензиялар сизиши моделларини тузиш ва сонли таҳлил қилиш**» деб номланувчи иккинчи бобида ғовак муҳитларда бир компонентли суспензиялар сизишининг “эскириш”, “юкланиш” ҳодисалари, диффузия ва динамик омилларни, шунингдек чўкма ҳосил бўлишининг кўп босқичлилигини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган моделлари ва масаланинг сонли ечиш натижалари келтирилган.

2.1 параграфда суспензия сизиши масаласи “эскириш”, “юкланиш” ҳодисаларини ҳисобга олган ҳолда сонли ечилган. Ғовак муҳитларда ҳосил бўладиган чўкмалар икки хил бўлади: ювилмайдиган ва ювилиб кетадиган. Филтърнинг бундай зоналари мос равишда актив ва пасив зоналар дейилади. Актив зонада ҳосил бўлаётган ювилиб кетадиган чўкма концентрациясини ρ_a билан, пасив зонада ҳосил бўладиган ювилмайдиган чўкма концентрациясини ρ_n билан белгилаймиз. Филтърнинг тўлиқ сиғимини ρ_0 билан белгилаймиз. Юқорида айтилганларга кўра $\rho_0 = \rho_{a0} + \rho_{n0}$, бу ерда ρ_{a0} ва ρ_{n0} мос равишда актив ва пасив зонларнинг сиғимлари.

Говак мухитларда суспензия сизиши жараёнининг Е.В.Венецианов томонидан таклиф қилинган модели тенгламалар системаси баланс ва кинетика тенгламаларидан иборат бўлади, бир ўлчамли ҳолда уни қуйидагича олиш мумкин:

$$m_0 \frac{\partial c}{\partial t} + v \frac{\partial c}{\partial x} + \frac{\partial \rho_a}{\partial t} + \frac{\partial \rho_n}{\partial t} = 0, \quad (1)$$

$$\frac{\partial \rho_a}{\partial t} = \beta_a \left(c - \frac{\rho_a}{\rho_{a0}} c_0 \right), \quad (2)$$

$$\frac{\partial \rho_n}{\partial t} = \beta_n(\rho_n) c, \quad (3)$$

бу ерда c - суспензия концентрацияси, ($\text{м}^3/\text{м}^3$), v – сизиш тезлиги, m_0 - мухит говаклиги, β_a – актив зонада ўтириб қолишни характерловчи коэффициент, β_n – чўкма “эскириши” ни ифодаловчи коэффициент ва $\beta_n = \alpha(\rho_n) \beta_{n0}$.

$$\alpha(\rho_n) = \begin{cases} 1, & \rho_n \leq \rho_{n1}, \\ f(\rho_n), & \rho_{n1} \leq \rho_n \leq \rho_{n0}, \\ 0, & \rho_n > \rho_{n0}, \end{cases} \quad (4)$$

бу ерда $f(\rho_n)$ монотон камаювчи функция бўлиб, “эскириш” ҳодисасини характерлайди

$$f(\rho_n) = \frac{\rho_{n1}}{\rho_n}. \quad (5)$$

“Юкланиш” ҳодисаси чўкманинг дастлабки ҳосил бўлишида, фазода эндигина муаллақ заррачалар чўкишидан моноқатлам ҳосил бўлганда кузатилади. Бу вақтда “эскириш” ҳодисасини ҳисобга олмаслик мумкин. Шунинг учун чўкма ҳосил бўлиш кинетик хоссалари жуда тез ўзгаради ва β_{n0} кинетика коэффициентини $0 \leq \rho_n \leq \rho_{n1}$ ораликда қуйидаги поғанали функция ёрдамида аппроксимация қилиш мумкин.

$$\beta(\rho_n) = \begin{cases} \beta_{n3}, & 0 < \rho_n < \rho_{n3}, \\ \beta_{n0}, & \rho_{n3} \leq \rho_n < \rho_{n1}. \end{cases}$$

$\rho_n \geq \rho_{n1}$ бўлганда (5) асосида “эскириш” ҳисобга олинади. У ҳолда (3) тенгламада $\beta(\rho_n)$ юқорида айтилганни ҳисобга олган ҳолда қуйидагича ёзилади:

$$\beta(\rho_n) = \begin{cases} \beta_{n3}, & 0 < \rho_n < \rho_{n3}, \\ \beta_{n0}, & \rho_{n3} \leq \rho_n < \rho_{n1}, \\ \beta_{n0} \rho_{n1} / \rho_n, & \rho_{n1} \leq \rho_n < \rho_{n0}, \\ 0, & \rho_n = \rho_{n0}. \end{cases} \quad (6)$$

(1)-(6) система қуйидаги бошланғич ва чегаравий шартларда ечилган

$$c(x,0) = 0, \quad \rho_a(x,0) = \rho_n(x,0) = 0, \quad c(0,t) = c_0 = const. \quad (7)$$

Масалани ечиш учун чекли айирмалар усули қўлланилган.

$D = \{0 \leq x < \infty, 0 \leq t \leq T\}$ соҳада тўр киритамиз, бу ерда T – жараён ўрганилаётган вақтнинг энг катта қиймати. Бунинг учун $[0, \infty)$ ораликни h кадам билан, $[0, T]$ ораликни эса τ кадам билан бўлакларга бўлиб чиқамиз. Натижада $\omega_{h\tau} = \{(x_i, t_j), x_i = ih, i = 0, 1, \dots, t_j = j\tau, j = 0, 1, \dots, J, \tau = T/J\}$ тўрға эга бўламиз.

$c(t, x)$, $\rho_a(t, x)$, $\rho_n(t, x)$ функциялар ўрнига тўр функциялардан фойдаланамиз. Тўр функцияларнинг (x_i, t_j) тугун нуқталардаги қийматларини мос равишда c_i^j , $\rho_{a,i}^j$, $\rho_{n,i}^j$ лар билан белгилаймиз.

(1) тенгламани $\omega_{h\tau}$ тўрда қуйидагича аппроксимация қиламиз

$$m_0 \frac{c_i^{j+1} - c_i^j}{\tau} + v \frac{c_i^{j+1} - c_{i-1}^{j+1}}{h} + \frac{\rho_{a,i}^{j+1} - \rho_{a,i}^j}{\tau} + \frac{\rho_{n,i}^{j+1} - \rho_{n,i}^j}{\tau} = 0. \quad (8)$$

(2) тенглама қуйидагича аппроксимация қилинади

$$\frac{\rho_{a,i}^{j+1} - \rho_{a,i}^j}{\tau} = \beta_a \left(c_i^j - \frac{\rho_{a,i}^j}{\rho_{a0}} c_0 \right). \quad (9)$$

(3) тенглама учун

$$\frac{\rho_{n,i}^{j+1} - \rho_{n,i}^j}{\tau} = \alpha (\rho_{n,i}^j) \beta_{n0} c_i^j. \quad (10)$$

(7) бошланғич ва чегаравий шартлар ҳам тўрли кўринишда ифодаланади

$$\begin{aligned} \rho_{a,i}^j &= 0, \quad i = \overline{0, I}, \quad j = 0, \\ \rho_{n,i}^j &= 0, \quad i = \overline{0, I}, \quad j = 0, \\ c_i^j &= 0, \quad i = \overline{0, I}, \quad j = 0, \\ c_i^j &= c_0, \quad i = 0, \quad j = \overline{0, J}, \end{aligned} \quad (11)$$

бу ерда I - етарлича катта сон бўлиб, $c_I^j = 0$ шарт тақрибан бажарилади.

(8)-(10) схемаларнинг бошланғич маълумотлар бўйича турғунлиги тадқиқ этилган. Турғунлик шартлари қуйидаги теоремада ифодаланган.

1-теорема. (8), (9) схемалар бошланғич маълумотлар бўйича турғунлигининг етарли шarti қуйидагича

$$\begin{cases} \tau \leq \min \left\{ \frac{2\rho_{a0}}{\beta_a c_0}, \frac{2m_0 h}{\beta_a h - v + h\alpha(\rho_{n,i}^j)\beta_0} \right\}, \\ v < h(\beta_a + \alpha(\rho_{n,i}^j)\beta_0), \end{cases}$$

(10) схема эса шартсиз турғун.

(8)-(10) айирмали схемаларни ўзгартириб, қуйидагига эга бўламиз

$$c_i^{j+1} = \frac{h}{v\tau + hm_0} \left(\frac{v\tau}{h} c_{i-1}^{j+1} + m_0 c_i^j - (\rho_{a,i}^{j+1} - \rho_{a,i}^j + \rho_{n,i}^{j+1} - \rho_{n,i}^j) \right), \quad (12)$$

$$\rho_{a,i}^{j+1} = \rho_{a,i}^j + \tau\beta_a \left(c_i^j - \frac{\rho_{a,i}^j}{\rho_{a0}} c_0 \right), \quad (13)$$

$$\rho_{n,i}^{j+1} = \rho_{n,i}^j + \tau\alpha \left(\rho_{n,i}^j \right) \beta_{n0} c_i^j. \quad (14)$$

(12)-(14) системани (11) бошланғич ва чегаравий шартларда ечамиз.

Ҳисоблашлар куйидаги кетма-кетликда бажарилади. Дастлаб (11) шартларга кўра $\rho_{a,i}^0$, $\rho_{n,i}^0$ ва c_i^0 лар аниқланади. (13) ва (14) дан $\rho_{a,i}^{j+1}$ ва $\rho_{n,i}^{j+1}$ ларнинг қийматлари $\rho_{a,i}^j$, $\rho_{n,i}^j$ ва c_i^j ларнинг куйи қатламдаги қийматлари орқали топилади. Кейин эса (12) дан c_i^{j+1} топилади.

Бу масалани ечиш учун самарали алгоритм ва дастур тузилган, шунингдек натижаларнинг сонли таҳлили ўтказилган. “Эскириш” ва “юкланиш” ҳодисаларининг сизиш характеристикаларига таъсири ўрганилган.

2.2 параграфда ғовак муҳитларда суспензия сизиши масаласи диффузияни ҳисобга олган ҳолда қаралган. (1) тенглама ўрнига диффузия ҳисобга олинган куйидаги баланс тенгласидан фойдаланимиз

$$m_0 \frac{\partial c}{\partial t} + v \frac{\partial c}{\partial x} + \frac{\partial \rho_a}{\partial t} + \frac{\partial \rho_n}{\partial t} = D \frac{\partial^2 c}{\partial x^2}, \quad (15)$$

бу ерда D – диффузия коэффиценти.

(2)-(6), (15) масала ҳам (7) шартларда чекли айирмалар усулида ечилган. Бу ҳолда (15) куйидаги ошқормас схема ёрдамида аппроксимация қилинади

$$m_0 \frac{c_i^{j+1} - c_i^j}{\tau} + v \frac{c_i^{j+1} - c_{i-1}^{j+1}}{h} + \frac{\rho_{a,i}^{j+1} - \rho_{a,i}^j}{\tau} + \frac{\rho_{n,i}^{j+1} - \rho_{n,i}^j}{\tau} = D \frac{c_{i-1}^{j+1} - 2c_i^{j+1} + c_{i+1}^{j+1}}{h^2}. \quad (16)$$

(16) схемани ўзгартириб, куйидаги чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ҳосил қиламиз

$$Ac_{i-1}^{j+1} - Bc_i^{j+1} + Ec_{i+1}^{j+1} = -F_i^j, \quad i = \overline{1, I-1}, \quad j = \overline{0, J-1}, \quad (17)$$

бу ерда

$$A = D \frac{\tau}{h^2} + v \frac{\tau}{h}, B = 2D \frac{\tau}{h^2} + v \frac{\tau}{h} + m_0, E = D \frac{\tau}{h^2}, F = m_0 c_i^j - (\rho_{a,i}^{j+1} - \rho_{a,i}^j) - (\rho_{n,i}^{j+1} - \rho_{n,i}^j).$$

(17) системани ҳайдаш усули билан ечамиз:

$$c_i^{j+1} = \alpha_{i+1} c_{i+1}^{j+1} + \beta_{i+1}, \quad i = \overline{1, I-1}, \quad j = \overline{0, J-1}, \quad (18)$$

бу ерда

$$\alpha_{i+1} = \frac{C}{B - A\alpha_i}, \quad \beta_{i+1} = \frac{A\beta_i + F_i^j}{B - A\alpha_i}.$$

Чегаравий шартлардан куйидагига эга бўламиз:

$$c_0^{j+1} = \alpha_1 c_1^{j+1} + \beta_1 = c_0, \quad \text{бундан } \alpha_1 = 0, \quad \beta_1 = c_0. \quad (19)$$

2.3 параграфда (2) тенглама ўрнига актив зонада муаллақ заррачаларнинг ўтириб қолиши ва қайта оқимга қўшилиши кинетикасини

динамик омилларни ҳисобга олган ҳолда умумлашмаси қуйидаги кўринишда таклиф қилинган

$$\frac{\partial \rho_a}{\partial t} = \frac{\beta_a}{1 + \gamma |\nabla p|} c - \beta_a \frac{\rho_a (1 + \omega |\nabla p|)}{\rho_{a0}} c_0, \quad (20)$$

бу ерда γ , ω – ўзгармас коэффициентлар, $|\nabla p|$ – босим градиенти модули.

Босим градиенти модулини ҳисоблаш учун Дарси қонунидан фойдаланилди

$$v = K(m) |\nabla p|, \quad m = m_0 - (\rho_a + \rho_n), \quad (21)$$

бу ерда $K(m)$ – фильтрация коэффициенти.

$K(m)$ ни ҳисоблаш учун эса Карман-Козен қонунидан фойдаланилди

$$K(m) = k_0 m^3 / (1 - m)^2, \quad k_0 = const. \quad (22)$$

Сонли натижалар асосида динамик факторларнинг сизиш характеристикаларига таъсири таҳлил қилинди.

2.4 параграфда ғовак муҳитларда суспензия сизиши масаласи кинетика тенгламасини такомиллаштирилган ҳолда қаралган. (4) ва (5) дан кўринадикки, $\rho_n = \rho_{n0}$ бўлганда пассив зонада чўкма ҳосил бўлиши бир онда тўхтайди. Бу эса, умуман олганда, жараённинг физик тавсифига зид. Шунинг учун, чўкма ҳосил бўлиши кинетикасини унинг ўзгариш динамикасида узлуксизлик таъминланадиган қилиб ўзгартириш эҳтиёжи бор. Шу мақсадда $f(\rho_n)$ ни қуйидагича танлаш таклиф этилмоқда:

$$f(\rho_n) = \frac{\rho_{n1}}{\rho_{n0} - \rho_{n1}} \left(\frac{\rho_{n0}}{\rho_n} - 1 \right), \quad (23)$$

ёки


$$f(\rho_n) = \frac{\exp(-\lambda \rho_n) - \exp(-\lambda \rho_{n0})}{\exp(-\lambda \rho_{n1}) - \exp(-\lambda \rho_{n0})}, \quad (24)$$

бу ерда $\lambda = const$ “эскириш” ходисасининг интенсивлигини характерловчи параметр.


Бу параграфда ҳам масала сонли ечилиб, $f(\rho_n)$ ни силлиқлаштириш ва динамик омилларнинг сизиш ва ғовак муҳитда модда кўчиши характеристикаларига таъсири ўрганилган.

2.5 параграфда юкорида келтирилган масалаларни ечиш учун “Бир компонентли суспензияларни филтрлаб тиндириш масаласини сонли ечиш” номли дастурий мажмуа яратилган.


Дастур суспензия концентрациясини ўзгариш профилини, ювиладиган ва ювиш мумкин бўлмаган чўкиндини сонли ва график шаклда олиш имконини беради. Дастур график интерфейс билан жиҳозланган, диалог режимида ишлайди, барча натижалар матнли файлда сақланади, бу уларни турли шаклларда ишлатишга имкон беради.



1-Расм. Бошқарув ойнаси



2-расм. Бошланғич маълумотларни киритиш ойнаси



3-расм. Натижаларни жадвал ва график кўринишда чиқариш ойнаси

2.6 параграфда ғовак муҳитларда суспензия сизишининг чўкма ҳосил бўлиш кинетикасининг кўп босқичли эканлигини ҳисобга олган ҳолда яна бир такомиллаштирилган модел берилган. Суспензия оқимидаги муаллақ заррачаларнинг баланс тенгламаси ва Дарси қонуни бир ўлчамли ҳол учун қуйидагича

$$m_0 \frac{\partial c}{\partial t} + v \frac{\partial c}{\partial x} + \frac{\partial \rho}{\partial t} = D \frac{\partial^2 c}{\partial x^2}, \quad (25)$$

$$v = K(m) |\nabla p|, \quad m = m_0 - \rho, \quad (26)$$

бу ерда ρ – чўкма концентрацияси.

Бу модел V.Gitis томонидан таклиф қилинган моделнинг такомиллаштирилган варианты. Бу ерда чўкма ҳосил бўлиш кинетикаси қуйидагича олинган

$$\frac{\partial \rho}{\partial t} = \begin{cases} \beta_1 v c, & 0 < \rho \leq \rho_1, \\ \frac{\beta_2 v c}{(1 + \gamma_1 |\nabla p|)} - \beta_3 (1 + \gamma_2 |\nabla p|) \rho, & \rho_1 < \rho < \rho_0, \\ 0, & \rho = \rho_0. \end{cases} \quad (27)$$

Бошланғич ва чегаравий шартлар қуйидагича

$$c(x, 0) = 0, \quad \rho(x, 0) = 0, \quad c(0, t) = c_0 = const, \quad \frac{\partial c}{\partial x} = 0, \quad x = L, \quad t > 0. \quad (28)$$

Бу параграфда ҳам масала чекли айирмалар усули ёрдамида сонли ечиблиб, кўп босқичли кинетика ва динамик омилларнинг сизиш ва ғовак муҳитда модда кўчиши характеристикаларига таъсири ўрганилган.

Диссертациянинг «**Ғовак муҳитларда икки компонентли суспензиялар сизиши моделларини тузиш ва сонли таҳлил қилиш**» деб аталувчи учинчи бобида ғовак муҳитларда икки компонентли суспензиялар сизишининг моделлари “эскириш”, “юкланиш” ходисалари, диффузия ва динамик омилларни, шунингдек чўкма ҳосил бўлишининг кўп босқичлилигини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган ва сонли таҳлил қилинган.

3.1 параграфда қаралган икки компонентли суспензия сизиш модели бир компонентли худди шундай моделнинг умумлашмасидан иборат бўлиб, баланс тенгламаси ҳар бир фракция учун алоҳида ёзилади ($i = 1, 2$)

$$m_0 \frac{\partial c^{(i)}}{\partial t} + v \frac{\partial c^{(i)}}{\partial x} + \frac{\partial \rho_a^{(i)}}{\partial t} + \frac{\partial \rho_n^{(i)}}{\partial t} = 0, \quad (29)$$

ювилиб кетувчи чўкма кинетика тенгламаси

$$\frac{\partial \rho_a^{(i)}}{\partial t} = \beta_a^{(i)} \left(c^{(i)} - \frac{\rho_a^{(i)}}{\rho_{a0}^{(i)}} c_0^{(i)} \right) \quad (30)$$

ва ювилиб кетмайдиган чўкма кинетика тенгламаси

$$\frac{\partial \rho_n^{(i)}}{\partial t} = \beta_n^{(i)} \phi_i \left(\rho_n^{(1)}, \rho_n^{(2)} \right) c^{(i)}, \quad (31)$$

бу ерда

$$\phi_1 \left(\rho_n^{(1)}, \rho_n^{(2)} \right) = \begin{cases} 1, & 0 < \rho_n^{(1)} \leq \rho_{n1}^{(1)}, \\ \rho_{n1}^{(1)} / \rho_n^{(1)}, & \rho_{n1}^{(1)} < \rho_n^{(1)}, \rho_n^{(1)} + \rho_n^{(2)} < \rho_{n0}, \\ 0, & \rho_n^{(1)} + \rho_n^{(2)} = \rho_{n0}, \end{cases}$$

$$\phi_2 \left(\rho_n^{(1)}, \rho_n^{(2)} \right) = \begin{cases} 1, & 0 < \rho_n^{(2)} \leq \rho_{n1}^{(2)}, \\ \rho_{n1}^{(2)} / \rho_n^{(2)}, & \rho_{n1}^{(2)} < \rho_n^{(2)} < \rho_{n0}, \rho_n^{(1)} + \rho_n^{(2)} < \rho_{n0}, \\ 0, & \rho_n^{(1)} + \rho_n^{(2)} = \rho_{n0}, \end{cases}$$

бу ерда $\rho_{n1}^{(i)}$ – чўкма концентрациянинг шундай чегаравий қийматики, $\rho_n^{(i)} > \rho_{n1}^{(i)}$ дан бошлаб пассив зонада мос равишда ҳар бир компонент учун “эскириш” ходисаси бошланади.

3.2 параграфда ғовак муҳитларда икки компонентли суспензиялар сизишининг моделлари актив зонада динамик омиллар ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган ва сонли таҳлил этилган. Икки компонентли суспензия учун актив зонада чўкма ҳосил бўлиш кинетикасини қуйидагича такомиллаштирамиз

$$\frac{\partial \rho_a^{(i)}}{\partial t} = \frac{\beta_a^{(i)}}{1 + \gamma^{(i)} |\nabla p|} c^{(i)} - \beta_a^{(i)} \frac{\rho_a^{(i)} (1 + \omega^{(i)} |\nabla p|)}{\rho_{a0}^{(i)}} c_0^{(i)}, \quad i = 1, 2. \quad (32)$$

Босим градинтининг модулини Дарси қонунидан аниқлаймиз, бунда сизиш коэффициентини топиш учун Карман-Козен қонунидан фойдаланамиз

$$|\nabla p| = \frac{v_0 \left(1 - m_0 + \left(\rho_a^{(1)} + \rho_a^{(2)} + \rho_n^{(1)} + \rho_n^{(2)} \right) \right)^2}{k_0 \left(m_0 - \left(\rho_a^{(1)} + \rho_a^{(2)} + \rho_n^{(1)} + \rho_n^{(2)} \right) \right)^3}. \quad (33)$$

Ушбу масала ҳам чекли айирмалар усули билан ишланган.

3.3 параграфда ғовак муҳитларда икки компонентли суспензиялар сизишининг моделлари пассив зонада “эскириш” ҳодисаси, актив зоналарда динамик омиллар, шунингдек диффузион омилларни ҳисобга олган ҳолда математик модел тузилган. Бу ҳолда тенгламалар системасидаги (29) тенглама ўрнига қуйидаги тенгламадан фойдаланамиз

$$m_0 \frac{\partial c^{(i)}}{\partial t} + v \frac{\partial c^{(i)}}{\partial x} + \frac{\partial \rho_a^{(i)}}{\partial t} + \frac{\partial \rho_n^{(i)}}{\partial t} = D^{(i)} \frac{\partial^2 c^{(i)}}{\partial x^2}. \quad (34)$$

3.4 параграфда ғовак муҳитларда икки компонентли суспензиялар сизишининг моделлари пассив зонада “юкланиш” ҳодисаси, динамик ва диффузион омилларни ҳисобга олган ҳолда математик модел тузилган. Бу ҳолда тенгламалар системасидаги (31) тенгламадаги “юкланиш” ҳодисасини характерловчи $\beta_n^{(i)}(\rho_n^{(1)}, \rho_n^{(2)})$ ўрнига қуйидаги ифодани ишлатамиз

$$\beta_n^{(1)}(\rho_n^{(1)}, \rho_n^{(2)}) = \begin{cases} \beta_{n1}^{(1)}, & 0 < \rho_n^{(1)} \leq \rho_{n3}^{(1)}, \\ \beta_{n2}^{(1)}, & \rho_{n3}^{(1)} < \rho_n^{(1)}, \rho_n^{(1)} + \rho_n^{(2)} < \rho_{n0}, \\ 0, & \rho_n^{(1)} + \rho_n^{(2)} = \rho_{n0}, \end{cases}$$

$$\beta_n^{(2)}(\rho_n^{(1)}, \rho_n^{(2)}) = \begin{cases} \beta_{n1}^{(2)}, & 0 < \rho_n^{(2)} \leq \rho_{n3}^{(2)}, \\ \beta_{n2}^{(2)}, & \rho_{n3}^{(2)} < \rho_n^{(2)} < \rho_{n0}^{(2)}, \rho_n^{(1)} + \rho_n^{(2)} < \rho_{n0}, \\ 0, & \rho_n^{(1)} + \rho_n^{(2)} = \rho_{n0}. \end{cases}$$

Масала сонли ечилган ва натижалар таҳлили ўтказилган.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация ғовак муҳитларда бир ва икки компонентли суспензиялар сизиши ва модда кўчиши жараёнларини турли омилларни, жумладан, “эскириш”, “юкланиш” ҳодисалари, динамик ва диффузион омиллар, чўкма ҳосил бўлишининг кўп босқичли кинетикасини ҳисобга олиб моделлаштириш ва сонли тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари куйидагилардан иборат:

1. Ғовак муҳитларда бир компонентли суспензиялар сизишининг “эскириш”, “юкланиш” ҳодисалари ва диффузия ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган моделлари тузилган. Масалани сонли ечиш учун самарали алгоритм ишлаб чиқилган.

2. Ғовак муҳитларда бир компонентли суспензиялар сизиши модели динамик омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган. Динамик омиллар ҳисобга олинганда актив зона сиғими тўлиқ чўкма билан қопланмайди, лекин чўкма ҳосил бўлиши тўхтайдди, яъни вақт бирлиги ичида ўтириб қолаётган ва қайта суюқлик оқимиға қўшиладиган заррачалар миқдори тенг бўлиб, динамик мувозанат ҳолатига эришилган.

3. Ғовак муҳитларда суспензиялар сизишининг “эскириш” ҳодиса ҳисобга олиб тузилган модели такомиллаштирилган ва сонли ечилган. Пассив зонада чўкма ҳосил бўлиш кинетикасидаги сакраб ўзгаришларни бартараф этувчи ўзгариш таклиф этилган. $f(\rho_n)$ да узлуксиз муносабатларнинг олиниши ечимнинг “силлиқланиш”ига олиб келган.

4. Ғовак муҳитларда икки компонентли суспензиялар сизишининг моделлари “эскириш”, ҳодисаси, диффузия ва динамик омилларни ҳисобга олиб такомиллаштирилган ва сонли тадқиқ этилган.

5. Ғовак муҳитларда икки компонентли суспензиялар сизишининг моделлари чўкма ҳосил бўлишининг кўп босқичлилигини ҳисобга олиб такомиллаштирилган. Чўкма ҳосил бўлишининг кўп босқичлилигини ҳисобга олиш бир босқичли кинетикада кузатилмайдиган ҳолатлар билан юз бериши кўрсатилган. Хусусан, чўкма ҳосил бўлиш динамикасининг маълум бир нуқталардаги динамикасида монотонлик йўқолгангини кузатилган.

6. Ғовак муҳитларда бир ва икки компонентли суспензиялар сизиши масалаларини ечиш самарали сонли алгоритмлар яратилган, сонли усулларнинг яқинлашувчилиги ва турғунлиги текширилган, шунингдек ушбу масалаларни ечиш учун дастурий мажмуалар яратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM.01.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ФАЙЗИЕВ БЕКЗОДЖОН МУРТАЗАЕВИЧ

**МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ ФИЛЬТРАЦИИ И ПЕРЕНОСА
ВЕЩЕСТВ В ПОРИСТЫХ СРЕДАХ С МНОГОСТУПЕНЧАТОЙ
КИНЕТИКОЙ ОСАДКООБРАЗОВАНИЯ**

**05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы
программ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ–2018

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/FM203

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Хужаёров Бахтиёр доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Нормуродов Чори Бегалиевич доктор физико-математических наук Жабборов Насридин Мирзоодилович доктор физико-математических наук
Ведущая организация:	Научно-инновационный центр информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2018 года в _____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.FM.01.02 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, Ташкент, ВУЗ Городок, ул. Университет–4. Тел.:(99871) 246–02–24; факс:(99871) 246–53–21; e–mail: info@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно–ресурсном центре Национального университета Узбекистана (регистрационный номер ____). (Адрес: 100174, Ташкент, ВУЗ Городок, ул. Университет–4. Тел.:(99871) 246–02–24; факс:(99871) 246–53–21; e–mail: info@nuu.uz).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № _____ от «_____» _____ 2018 года).

А. Р. Марахимов
Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

З.Р.Рахмонов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученой степени, д.ф.–м.н.

М.М.Арипов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени, д.ф.–м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научно-практические исследования, проводимые в мировом масштабе, в большинстве случаев приводятся к задачам теории фильтрации неоднородных жидкостей. Математические модели, выраженные в виде системы дифференциальных уравнений с частными производными являются объектом исследования в таких сферах как механика жидкости и газа, гидрогеологии, экологии и т.п. Модели фильтрации неоднородной жидкости в пористых средах и методы их численного исследования служат теоретических основой для процессов очистки питьевых и сточных вод, повышения эффективности нефте-газо добычи и др. Поэтому разработка адекватных математических моделей фильтрации неоднородной жидкости и перенос веществ в пористых средах, а также их исследование являются важными задачами математического моделирования.

В настоящее время в мире исследования механизмов фильтрации жидкости, переноса взвешенных частиц суспензии в пористых средах, взаимодействие этих частиц с поверхностью скелета пористой среды являются одной из актуальных задач механики жидкости и газа. Построение математических моделей процессов фильтрации жидкости и газа, а также их численное исследование имеет важное значение в теории фильтрации. В этом направлении: создание усовершенствованных математических модели фильтрации суспензии и переноса веществ в пористых средах, а также создание программных пакетов имеющих удобный интерфейс и эффективных численных алгоритмов являются целевыми научными исследованиями.

В нашей стране усиленное внимание уделяется фундаментальным наукам, имеющим прикладное применение. В частности, ведутся исследования по анализу различных технологических процессов и созданию прикладных разработок с использованием методов математического моделирования и вычислительной математики. Получены весомые результаты в области математического моделирования процессов фильтрации и переноса веществ, неоднородных жидкостей в пористых средах. Было постановлено, что проведение научных исследований по приоритетным направлениям «теории динамических систем, прикладной математики и математическому моделированию» на уровне международных стандартов является основной задачей и направлением деятельности². Моделирование процессов очистки питьевых и сточных вод, заводнения нефти-газовых пластов и создание программных продуктов, позволяющих проведение вычислительных экспериментов, играет важную роль в исполнении постановления.

² Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений академии Наук Республики Узбекистан»

Настоящая диссертация, в определенной степени, служит осуществлению задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №-ПП-916 «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство» от 15 июля 2008 года, №-ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года и Указа Президента №-УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 8 февраля 2017 года а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

